асарларининг магнит ёзувлари нусхаларини кўнайтириб, уларни республикадаги бар-ча мусиқа ўқув юртиларига тарқатиш мақсадида мувофиқ, Зеро анъанавий мусиқий асарларини ўрганишга, уни тўғри талқин қила билишга жонли ижронинг бир кўри-ниши бўлган магнит ёзувлари-нинг аҳамияти каҳа. Муси-қий меросимизнинг ранг-баранг намуналарни тузил-ган «Ўзбек халқ мусиқаси», «Шашмаком» каби кўп жилдлик китобларнинг қайта нашр этилишини таъминлаш ҳам айна муддао бўлур эди. Менгича, ушбу нашрлар бўлажак созадандарнинг мусиқий асарлар шаклини тўғри тўшунишда муҳим рол ўйнайди. Бундан таш-қари, гижжак сози учун мўлжалланган хрестоматия-лар, педагогик ва концерт репертуарига мос куйлар жамланган сайланмалар чоп этириш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Яқин созада тайёрла-моқ учун унга ёшлиқдай яқин соз тўтқанилади. Шу боис мусиқа мактаблари учун мўлжалланган гиж-жаклар ҳақида чуқурроқ ўй-лаб кўриш керак. Маълум-ки, мусиқий мактабларида ўзбек халқ чолу созлари сингари гижжак кўчмасли-гига ҳам ўрта мактабнинг 4—5-синфларидан қабул қи-лиш одат тусига кириб қол-ган. Шу ўринда бир савол турғилиди: наҳотки, истеъ-моли болаларни 1—2-синфлар-данлоқ мусиқа мактабларига қайла қилиш имконияти бўл-масми? Назаримда, бу са-волнинг ечимини кутмасдан, 7—8 яшар болаларга мўл-жалланган гижжаклар яса-нин йўлга қўйиш ҳақида жи-дийроқ ўйлашнинг вақти келди (бу мулоҳаза барча созларга тегишлидир).

ҒИЖЖАК СОЗИ САДО-СИНИНГ тиниқ, жа-рандор таралиши учун ка-мон ва симлар бекаму кўст бўлиши шарт. Бизда гижжак асоччи устлар йўқ эмас. Чолу асоччилар фабрика-сида ҳам гижжаклар ишлаб чиқаришмоқда. Бироқ сим ва камон ишлаб чиқариш деярли йўлга қўйилмаган. Бу ҳақида ҳам мутасаддиқ та-шиқлотлар жиддий ўйлаб кўр-салар ёмон бўлмасди.

Ўлиас РАСУЛОВ

БЕГОНА ПАРДАЛАРДАН КУТУЛАЙЛИК

АНЪАНАВИЙ ГИЖЖАК ИЖРОЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ

Ҳожиқуллов, Салоҳиддин Тўх-тасиновдек замонамизнинг забардаст ижрочилари томо-ниндан ранг-баранг мусиқий жилдолар, анъанавий ижрочи-лигимизга хос садолар бил-лан тўдирилган ҳолда ри-вожланиб бормоқда. Яқин-да Йилғири йиллик тўйини нишонлаган консерватория-симанин Шарқ мусиқаси кафедрасининг солиқ тала-балари А. Исмоилов, А. Да-даевга ўхшашан бир қанча машҳур созадандар гижжак ижрочилигининг юқори бос-қичларга кўтарилишида ўз-ларининг баракали ҳиссала-рини қўшиб келмоқдалар.

Анъанавий гижжак иж-рочилиги ижодий жараён-дир. Унинг замирида биз хо-нанда овозининг таъсири-лигини, сурнай ижрочили-ги хос сапаларини ва айнан гижжак садоларига хос муси-қий жилдоларнинг мушта-раклигини ҳис этишимиз. Бу ижроий воситаларнинг бар-часи яхлит тарзда гижжак созига ярашқили бадийи ва мусиқий имкониятларнинг бойлиги, гижжакнавоозлик-нинг ўта мушкул, айни пайт-да, гўзал, чексиз бир жара-ён эканлигини таъминлов-чи мусиқий омиллардир. Эҳтимол, гижжак ва гиж-жаксимон созларнинг дун-даги барча халқлар муси-

Маълумки, анъанавий му-садиқ ижрочилиқда ҳар бир хонанданин яшаб турган жойига мос овоз шаклланти-риш тарзи ва ижро услуби мавжуд. Гижжак созининг товуши инсон овозига яқин бўлгани тўғрисида унда ана шу ижро қирралари ёрқин ифодасини топади. Зеро, ҳар бир истеъдодли гижжакчи ҳар хонанда яшайди. Ғ. Ҳо-жиқуллов, Х. Неъматов каби гижжакчи созадандарнинг маълум даражада хонанди-ликдан ҳам хабардорлиқла-ри фикримизни тасдиқлай-ди. Шунинг қизиқки, бун-дай созадандар ашула айта-ётганлариди, уларнинг овоз тебранишларида гижжакда садолангагина мусиқий бў-ёқлар кўпроқ акс этишини кўрамиз. Тасавурида созадандарнинг бармоқлари бил-лан овоз тўнмалари бир хил ҳаракат қилаётгандек бў-лади...

Гижжак чалиш санъати-нинг ўзига хос томонлари-дан яна бири унда сурнай ижросига мансуб турли қо-чимлар, нолиларнинг борлигидир. Бундай ижро-да гижжакдаги бармоқ ҳара-катлари бирмунча бошқача-роқ тус олади. Созанда гиж-жак товушини садоланти-рувчи камон ҳаракатида сур-вайга хос бўлган нафис иш-латиш, тил уриш ҳолатлари-

задалар тили билан айтган-да, гижжакчига хос ўзбеко-на пардалар, ўзбекона оҳан-глари ва мусиқий жилдолар ўрнини анъанавий ижрочи-лигимизга деярли беғона бўлган пардалар, оҳанглари эгалламоқда. Ана шундай ҳолатлар мусиқий мероси-миз жонқурларни, профес-сионал созада ва хонанда-лар, айниқса, анъанавий иж-рочилик соҳасидаги мута-хассислар зиммасига му-тоз мусиқий асарлар асли-ни имкони борича сақлаган ҳолда ёш авлодга етказиш-дек шарафли вазифани қол-ди. Шуҳасаси, бу борада гижжакчи созадандарнинг ҳиссаси салмоқли бўлмоғи керак. Аммо ушбу хайриг ваифани бажаришда бир қанча муаммолар қўндалан бўлиб турибди.

Авалло, анъанавий гиж-жак ижрочилиги учун мўл-жалланган дастурларни кў-найтириш зарур. Мазкур дастурларни амалиётда қў-лаш учун ўқув муассасла-ри талабига мос граммла-стинкалар чиқаришни қайта-дан йўлга қўйиш лозим, деб ўйлайман. Ҳазма номидаги санъатшунослик илмий-те-кшириш институти ҳамда Ўз-бекистон Давлат телерадио-компаниясининг олтин фон-дида сақланган гижжак, сурнай ижросига мансуб

ҚЎГИРЧОҚЛАР ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

Манон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат ин-ститутининг Қўғирчоқ теат-ри актёрлик маҳорати на-федрасида битирувчи талаба-ларнинг иллом спектакл-лари муаффақияти билан намойиш этилди. Бу йил мазкур кафедранинг янги курс тугатди. Улардан бир гуруҳи сиртқи бўлимда тах-сис олган Нурсиннинг бадий раҳбари институт катта ўқи-тувчиси Нина Крилова, Улар диплом спектаклига Н. Ҷо-билоннинг «Ўтқир тишли кучучка», А. Цукановнинг «Айёрлик ҳақида эртак» асарларини тайёрлаганлар.

Кундузги бўлимда таҳсил олганлар асосан хоразмлик ёшлардан иборат. Мазкур курснинг бадий раҳбари

кафедра мудири, доцент Марям Ашурова, Улар М. Боймуҳамедовнинг «Девнинг ғазали», О. Толипов, И. Аҳ-медовнинг «Сеҳрли сандиқ» спектаклига ва М. Ашуров-нинг «Гулдаста» қўғир-чоқлар концертини маҳорат билан намойиш этидилар. Диплом спектаклининг ба-ҳолашда Талғар қўғирчоқ театри бош режиссери, Қо-зонистонда хизмат кўрсатган артист Бекбулат Пармонов раислик қилди.

— Мен кўп йиллардан буюн ўзбек қўғирчоқ теат-ри санъаткорлари билан му-лоқотда бўлиб келаман, —

дейди у. — Тошкент Санъ-ат институти фақат Ўзбекис-тонга эмас, балки Марказий Осиё давлатлари учун ҳам қўғирчоқ театри актёрла-рини етказиб бормоқда. Бу ердаги кафедра аяча шакл-ланган бўлиб, етуқ мутахас-силарга эга. Бунинг диплом спектаклида кўриб қўлоқ-лашга мазкур қўғирчоқ театри бош режиссери, Қо-зонистонда хизмат кўрсатган артист Бекбулат Пармонов раислик қилди.

Уз вилоятда илк қўғирчоқ театрини очадилар. Бу ҳа-қида назаримиз Эркин Ҳайи-тов 14 майда махсус буй-руқ чиқарди. Шундай эҳти-сангасева Хоразм вилоят-да қўғирчоқ театрининг очилиши маданий ҳаётимиз-да катта воқеа бўлди. Бунга шубҳа йўқ. Истагимиз, ви-лоят раҳбарлари очилажак театр учун бино ва ёш ак-тёрларга барча шарт-шар-оитларни яратиб берадил-лар. Қўғирчоқ театриларни мустанил юртимизнинг му-стақил ёшларининг эстетик тарбиялашда катта аҳамия-т касб этади. Мақшақатли ижод йўлида хоразмлик қў-ғирчоқ театри қалдирғоч-ларини алоҳида таъкидла-ришга оқ йўл ва омад ти-лаимиз.

Шундай қилиб, республи-камиздаги қўғирчоқ театр-лари сони яна биттага қў-налади. Диплом спектакла-ри эса ёш авлодди ҳар жи-ҳатдан етуқ қилиб тарбия-лашда қўғирчоқ театр санъ-ати имкониятлари кенглиги-ни кўрсатди. Дунёнинг ри-вожланган мамлакатларида болалар театрлари эъти-бор қатта. Истиқлол йўли-да далил оқимлаётган Ўз-бекистонимизда ҳам шун-дай бўлишига ишонамиз. Чунки, театр санъати қўғир-чоқлари ёш қалбларни до-имо эзгуликка қорлайди.

Ўз мухбиримиз

СУРАТДА: диплом спек-тавларининг ижодкорлари



АВСТРАЛИЯ ЎЗБЕКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар мил-лий Ассоциацияси таш-қиқ этилганга ҳали йўл бўлмас-да, халқаро ало-қаларимизни ривожлан-тиришда ўз ҳиссасини қў-шиб келмоқда. Яқинда Ассоциациянинг хориз-даги ватандошлар билан алоқалар боғлаш бўли-ми мудири Одиложон Ҳожи Борибоев Австралияда хизмат сафарига бўлди. У киши билан сафар таас-сурутлари ҳақида сўзба-ташдик. Дастлабки сапо-лимиз ушбу сафардан кўн-да тўтилган маъсад ҳусусида бўлди.

— Мазкур сафар Австр-алиядаги «Ўзбеклар жамия-ти» ташкили асосида таш-кил этилган. Ўзбекистон Республикаси халқаро ма-даний-маърифий алоқалар миллий Ассоциацияси ва Австралиядаги «Ўзбеклар жамияти» ўртасида мада-ний-маърифий иттиқодий ало-қаларни қўллаш шартнома тугиш ҳамда Австралияда яшаётган туркистонликлар ҳаёти ва фаолияти билан

қандайдан танишишдан ибо-рат эди. — Австралияда қи-таъсида туркистонликлар яша-иш ҳа-қида маълумотга эга бўл-мас-да, шу яқин кунларда уларнинг турмуш тарзидан деярли беҳабар эдик. Шу ҳақида тўхталишимиз.

— Ҳозирги кунда Австр-алияда яшаётган туркис-тонликларнинг асосий қисми 70-йилларнинг ўрталарида Шарқий Туркистондан тур-ли сабабларга кўра бориб қолганлар. Ватандошларимиз турли соҳаларда хиз-мат қиладилар. Улар гарчи Ватандан йироқда бўлса-лар ҳам, миллий ўрф-одат-ларини, тилини, маданиятини яқин сақлаганлар. Меҳмон кутубхоналари айтмаски, бизни ўзбек халқининг мил-лий таомлари билан меҳмон қилдилар. Аёлларга атлас-нинг ярашганини-ю, ўзбе-кона мулозаматини кўриб, беҳиштер мағрурланиб ке-тасан киши. Ўзбек тилида гапиришадиганлар фақат хурсанд бўлиш мумкин. Ай-ниқса, ёш болаларнинг ҳам ўзбек тилида «ойкион», «да-дажон», «хуш келибсиз» дейишганини эшитиб, ўзбек



халқи қаерда яшамасин ўз миллатига солиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Австралиялик юр-тошларимиз ҳам миллий байрамларни, ҳайит айём-ларини зўр тантана билан нишонлайдилар. Тўй маро-симларининг биздангидан фар-қи йўқ.

80та оила қиради. Тасо-дифия қарангки, сафарим шу Ассоциация ташкил этил-ганлигининг бир йиллиги тантаналарига тўғри келди.

— Шунингдек, 30 ўзбек ола-сини бирлаштирувчи «Ўзбек жамияти» ҳам тугилган. Бу жамият қошида ҳам ўзбек тилини ўқитиш мактаби очилган. Унда ўзбек тили кичиллиқ алоқибоси асосида ўргатилади. Булардан таш-қари, ўзидан 100 оилани бир-лаштирган «Австралиядаги татарлар жамияти» ҳам бор. Мазкур жамият таркибига ягона кирғиз оиласи ҳам қиради. «Татарлар жамия-ти» да бўлиб ўтган учра-шува ана шу оила бошли-ғи 90 йили Азиз абаий ҳам иштирок этди. У киши ўт-ган йили Қирғизистонда ўт-казилган қирғизларнинг Бу-тувизахон анжуманида иш-тирок этди. Қирғизистон президенти Аскар Ақоев бил-лан учралишга муносиб бўл-ган.

Мухими, ҳўнумат вата-ндоларимизнинг ҳар қан-дай тақдирларини қўлаб-қувватлайди. Улар ташқиқ этган талбирларда иштирок этади. Масалан, ҳамюрти-миз Рустам Сабрый Жану-бий Австралияда катта ма-

қега эга компаниянинг Бош директори. «Австралия — Туркистон» Ассоциацияси-нинг бир йиллиги муносаба-ти билан ўтказилган танта-наларда Жанубий Австралия штатининг губернатори иш-тирок этди.

— Яна шуни айтиб ўтишим керакки, Австралиядаги ва-тандошларимиз учун мах-сус маснид ҳам қуриб бе-рилган. Яқинда «Австралия — Туркистон» Ассоциация-си Австралиядаги Исло-м маркази ҳўмийлигида вата-ндоларининг исло-м марказини очиб ҳақида келишиб олин-ди.

— Хориздаги ватандо-шларимизнинг бизга муноса-батларини билишни истар-дик.

— Юртдошларимиз до-имо Ўзбекистонга талпиниб яшайдилар. Юртимизда юз бераётган демократик ўза-ришлар, халқимизнинг тур-ли соҳаларда қўлга кири-таётган ютуқлари хоризлик ватандошларимизни бефарқ қолдирмайди. Юртдошларимиз, айниқса, Ўзбекистон-нинг мустақиллигига эриш-гани зўр йўнуб билан кут-иб олдилар. Президент И-сло Каримовнинг юртимиз-да тинчлиги, осийишталли, миллатлар ўртасида тенг ҳўқуқлиликни таъминлашга, қонунийликни муҳофаза қи-лишга қаратилган сиебатини қўлаб-қувватлайдилар. Шун-инг учун бўлса керак, суҳ-батлар давомида ватандош-

ларимиздан бир қанча истак ва тилаклар тугиди. Жум-ладан, юртимизда содир бў-лаётган янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлишлари учун Ўзбекистон матбуоти нашрларига оубуна бўлиш, ўзбек тилидаги адабиёт-лар, дарслик ва қўлашма-лар, Ўзбекистон санъат ус-таларининг концертлари, юртимизда ўтказилган бай-рам тантаналари ёзилган видеокассеталарни юбори-шимиз тўғрисида истанлар билдирдилар. Шунингдек, улар она диёрда ошқиди-лар. Аммо, бу ниятларини амалга оширишда баъзи қи-янчиликлар мавжуд. Айна-ло, Австралиядан Ўзбекис-тонга ватандошларимизнинг маъсалада келишидаги ҳа-қида фикр билдирди. Чун-ки Россиянинг Австралия-даги элчихонасидаги вата-ндоларимизнинг Ўзбекис-тонга келишлари учун рух-сатнома олиш катта муаммо бўлиб турибди. Умуман, са-фардан қўлда тугилган мақ-садга деярли эришилди. Ўз-бекистон Республикаси халқ-қарар миллий Ассоциацияси ва Австралиядаги «Ўзбек жамияти» ўртасида мада-ний-маърифий, иттиқодий-тижорий ҳамкорлик ўрна-тиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ноибхон АЗИЗОВА сўзбасташи



# ЖАЛЌИЧИДА

**Б** ИЗНИНГ ОИЛА ҒАФУР ҒУЛОМ оила-си билан Қадирова маҳалласида ёнма-ён қўшни бўлиб яшаганми. Дадам Мирзаабдулла Маҳсум Ғафур ака билан жононот дўст эди. Қўда-андачилигимиз ҳам бор эди. Олампиз Нафисахон Ғафур аканинг катта экин-ни, соғинг алоқа министри марҳум Воҳид Иўлдошевга турмушга чиққанди. Икки қўшни фарзандлари ҳам худди оталариникидек инон, иттифоқ яшарди. Ғафур ака жуда болажон эди. Бизларни ҳали кинюга, ҳали истрожат болларига, театрларга ёки ёру дўст, қариношлариникига сўзлаганларини-сўзлаган эди. Каттароқ ва сиқоворроқ бўлганим учун ҳам алломаининг ҳаёти, саргузаштлари ҳамон ёлдам. Эсимни танибманми, Ғафур акадек буюк инсоннинг, айт-заковат соҳибининг ва инсонпарвар, инсонпараст зоти олийини учратганим йў. Билки сув билан тириндик, шир ҳам халқ билан, меҳнат аҳли билан ҳамнафас эди. Дадам Раҳматилла Ғафур акага шундай таъриф берган эди: «Ғафурнинг икки онаси бор — бири туққан онаси, иккинчиси халқи, миллати. У халқнинг омиб ўсиб, унди, воқоа етди». Дарҳақиқат, Ғафур ака улкан адиб, бетақор шоир бўлган экан, бу ўзбек халқи, ўзбек миллати тўғрисида, шу боис ҳам-аллома ҳамма вақт олдин кўнлар, қўли қалқолар билан ҳамдард, ҳамжонг ва ҳамтавоқ эди. Сўзинининг исботи, далили сифатида ўзим шохид бўлган бир кунлик воқеани ҳикоя қилай.

1962 йилнинг баҳор кезлари, илик узилди пайт. Мен ва дўстим Талъат ишонидан кўчага чиқиб гап сотиб турардик. Иккимиз ҳам Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтинда илмий ходим бўлиб ишлардик. Талъат билан бир маҳаллада яшаганимиз, бирга ўқиганимиз. Жуссаини кичик, қора қош, қора кўз, сўзга чеан, билимдон ва меҳрингели инсон эди. Ғафур ака уни яхши кўрарди, «боявча» ёки «бўйдоқ бола» дея ҳазил-мутобиҳо қиларди. Талъат ҳам бунга келмасди, Ғафур ака билан дағал айтишарди. Ўша кун маош кунимиз, лекин касридан дарак йў. Асига юрб иккимиз ҳам овқатга пул йў. Янаи эди бирор валломат тушдикиа тақдир этса... Ногоҳон «Болга» машинаси ёниқ этиб олдимизда тўхтади. Машинадан Ғафур ака тушиб келди. Саломангидан сўнг, «Хўш, муллабаччалар нима қилди турибсизлар, хомпу кўрибсанлар», деди. Талъат очини айтиб-қўйди: «Нима қиларди, оч мушукдек сиқоч қойлаямиз». «Ия, кимсан Нейматилла боёвча, ҳожи Мирзаабдуллонинг нақолавлари сўзига қолса, уят-ку, мени номусга кўрсанлар-ку! Оқлигининг бировага айталаринг. Мапа, мен сенларни аммаиб тўйдирадиган. Шарқшуносликда моятта бўлмас, бизда. Тил ва адабиёт институтида бўлади. Талъат Юрғинга чиқиб, пул бор, йўқлигини билб чиқ», деди Ғафур ака. (Ўша вақтда Академиянинг барча гуна-инишар институтлари ҳозирги телестудия биносига жойлашган, Ғафур ака академик олим сифатида Тил ва адабиёт институтидан маош оларди). Талъат ғириллаб юқори қаватга чиқиб тушди ва пул йўқлигини айтди. Ғафур ака, «Оббо, асига ҳамёнимда ҳам ақча йў, маошга ишониб сенларни тўйдиромқчи эдим, энди беворд бўлмай, кетиб қолсан, ордандан итга қилсанлар, давай, машинага ўтирларинг!» деди шоберга омонат кассага юришни буюрди. Йўл-йўлакай Талъатни чағи солиди «Мулла Талъат, қачонгад бўйдоқ юрасан, ҳинд қизига совчи бўлай десам, қора-ку, дединг, афгон гўзалини рад қилдинг, армангани тўйдиридинг чиқардинг. Кумуш оймилар ҳам сиға ётмас, хўш, Хусни Юсуф сиғам ким ёнда», деди. Талъат пинагини бизмай «Ғафур ака таъна қилманг, мен сабр-бардошли одамман, бахтига бирор Зулайҳо тугилиб

қолар», дея жавоб қилди. Шоир хоҳолар, «Бўпти, демек Зулайҳо тугилишини ва улгайиб Хусни Юсуфни топиб олишини кутарканми-да», деди. Опера ва балет театри рў-парасидига омонат кассага кириб чиққан шофер пул йўқ эканлигини айтди. Ғафур ака радиого боришни буюрди. Хоразм кўчасидига радио бинос олдида шоир Маъруф Қориев турган экан. Ғафур ака йўқотган кишини топиб олгандек хурсанд бўлиб, «Хўш, укам, нимага жондираб турибсан?» — деса, Маъруф ака, «Қорини оч, қарақтиман, сиздек қорини кўтиб турибман», дея жавоб қилди. Ғафур ака «Оббо, бугун очлар куними, ҳаммангнинг кунинг Ғафур акага қолганми, худдонинг кўри битта менми?» — дея ҳазил қилди. Сўнг Қориевга чўнтак қўриққанини, радиого пул дардида келганини айтди. Маъруф ака маънос тортиб қолди. Ғафур ака: «Маъруф, сен хафа бўлма, мени кабинетингга ярим соатга қамал қўй, очликдан илҳом келгяти, ажойиб ашула ёзиб бераман. Ашулаи соғамиз, пичоқ ой устиди бўлади, сени ҳам, мана бу очларни ҳам зиёфат қиламан», дея радиого йўл олди. Биз таниш редакторлар билан суҳбатлашиб ўтирдик. Маъруф ака эса оёғи куйган товүкдек йўлакнинг у бурчагидан бу бурчагига тийириллаб бориб келарди. Чамаси 40—50 минутлар ўтгач, ўйил кўрган одамдек, Маъруф ака ашула ва ведомоқ кўтариб бошлиқ кабинетига югурди. У ердан хурсанд чиқиб, Ғафур акани кассага бошлади. Ғафур ака анча-мунча ашула ҳақи олиб, Маъруф акага озгина пул узатди. Ма-на ол, сенга бугунга етди, кўпрок берсам, ишдан қолсан, раҳбарларинг мендан хафа бўлади, иккинчи сафар кўпрок олсан, деяр радиодан чиқди. Бизга ҳам жон кирди. Ғафур ака ҳам мамун. Машина-Шарқ» ресторани томон йўл олди. Ресторанида мазза қилиб овқатландик. Гарчанд томоғимиз тақиллаб турса-да ичкиликка шамма қилмадик. Иккимиз ҳам Ғафур ака олдида ичмасдик. «Муллабаччалар, қорин тўйди, гап кетди. Энди халқимиз, ижодига кетаман, Эски шахарни айланамиз, маҳаллага ўтамиз, дўстларни кўриб истайтиш», деди Ғафур ака. Машина Эски шаҳарга юрди. Йўлда бизга насихатомиз тап қилди. «Илмага ҳам илҳом, кунт, сабр-тоқат керак, лекин бу кифоя қилмайди. Илм аҳли учун ҳам, ижод аҳли учун ҳам илҳом манбаи — бу халқимиз, миллатимиздир. Зеро, халққа яқин бўлишлар!»

**Э** СКИ ЖўЗАГА ЕТГАЧ, Ғафур ака бозордан катта лағмонхонага бораемиз, деди. Тақдир бизга ёқмади, чунки қоринимиз тўй, кўнглимиз ортиқча овқат истамайди. Лағмонхонага киргач, Ғафур ака лағмонпазлар олдида кириб кетди. Биримиз навбатга, биримиз ҳой эгалашга шошилдик. Жой ҳам топилди, лағмон ҳам келтирилди, лекин Ғафур акадан дарак йў. Мен хабар олгани онҳона ичарисига бош сўқдим. Ғафур ака гоҳ қайла қайнабган қозонга тикилар, гоҳ терлаб-пишиб, қариллаб хамир ташлаётган йигитларга маҳлиё бўларди. Қўзи кўзимизга тушгач, илмал қақирдим. Чўққанларидан сўнг «Сизга пархонада нима зарур», — дедим. «Эй, лодонлар-ей, мен ҳузур қилиб лағмонпазлар билан гаплашдим, ҳаётининг дардини биллиб олдим, қайла қилдиман, хамирни тола-толага айланганин томоша қилдим», деди. Биз истар-истамас лағмонга қўл урдик. Столдани тўртинчи жой бўш эди. Бир барваста, пешонасини тангиб олган десифат йигит руҳсат сўраб, курсига ўтирди. Ғафур ака йигит-

нинг лағмон ейишини сўзлашиб кузатарди. Йигит икки кишилик лағмонни айл-тапил еди-қўйди. Ғафур ака гап қотди. «Ўғлим, касби-қоринг нима, қаерлисан?» «Амаки, аслим тошкентлик, Қаллақхонадаги новвойхонадан нон ёпаман», деди. — Мени танидингми, йўқми, мен Ғафур Ғулом бўламан. — Йигит ҳайратга, саросимага тушди, қайта салом берди. — Ўғлим, сен хижолат бўлма, ишингга кетавер, кетингдан мен ҳам етиб бораман, овқат ейишингни кўрдим, меҳнатингни ҳам бир кўрай, нон ҳидини соғинаман. Йигит кетгани билан биз ҳам қўзгалдик, пнеёда қаллақхона томон юрдик. Қаллақхонага боргунча Ғафур ака ўйлаб кишилар ила салом-алик қилар, қўл олишиб кўришарди. Бизнинг энсамиз қотанроқ, новвойхонага бориш бизга ортиқча, малол эди. Иккимиз Ғафур акадан илгарироқ эринибдики Қаллақхона тепасидики новвойхонага чиқдик. Ичкерида ҳалиги новвой йигитнинг ҳаяжонли овози эшитиларди: «Нега ишонмайсанлар, ахир Ғафур Ғуломни ўз кўзим билан кўрдим, суҳбатлашдим, новвойхонага бораман деди». «Кўйсанг-чи, сени бирор киши лақиллатган,



Ғафур Ғуломдек катта шоир лағмонхонада нима қилади, келса ҳам, сендек ландавур билан гаплашаримди, боз устига Ғафур Ғулом новвойхона кўрмаганми», дея бошлайди бир кеча новвой. Дераздан бизга кўзи тушган новвой йигит қўбини кетди. «Ана, ўзлари келдилар», дея Ғафур акага пешвоз чиқди. Хамир-хамирда, таъдир-таъдирда қолиб, новвойлар шоир билан кўришишга оқиндилар. Ғафур ака ҳаммалари билан самийий кўришгач, фотихага қўл очиб, «Умри-жонингларга, касби-қорингларга олло таоло барака берсин», дея дуо қилди. Новвойлар гоёт хурсанд қаловонлиқ қолдилар, бири дастурхон ёган, бири чойга югурган, Ғафур ака курсига ўтирди, тий туриб, бир нонни ўлиб, пешоналарига теккизиб, ушатди, бир бурданан бизга узатди. Нон нийҳоятда тотли эди. «Галлаисак гапимиз кўп, сизларни илдан қолдирмай, хамир узиб, нон ейишингизни, бўртиб чиққан мускулларингизни, ёниб турган яноқларингизни томоша қилмоқчиман, седана ҳидини, нон ҳидини соғинаман», деди Ғафур ака. Новвойлар ишга тушиб кетдилар. Шоир бир неча дақиқа улар меҳнатини кузатди. Биз у кишининг ҳолатини кузатдик. Ғафур ака гоҳ жимлаяр, гоҳ кўз юмиб ўйга толар, бош чайқар, гоҳ қўру нафас оларди. Новвойларга халал бермаслик учун имо билан ҳайратланган ҳалал бўлиб, новвойхонадан тез чиқиб, айналолардан чаққон пастга тушди. Кетгилардан биз шошилдик. Орқам-орқа ҳовлиқиб новвой йигит бир тахлам нон кўтариб келарди. Ғафур ака ҳеч кимга қарамай шитоб билан машина томон борарди. Йигит нонни бизга тутқазиб, елкасини қисиб ортага қайтди.

Машина Қадирова маҳалласига, бизнинг ҳовлига йўл олди. Ҳамаммиз жим, Ғафур ака уйқуга кетгандек кўз юмиб олган. Собир Раҳимов кўчасдан юрб Қорасорга кўчасига бурилиш олдида кўз очиб, «Шорасул тоган-

ни уйини биласанми?», деди. Мен, «Хўш, ўша Шорасул сартарош уйининг ёнида турадим», дея кўришиб турган тор кўчани кўрастидим. Машина ўша тор кўча олдида тўхтади. Шорасул тоғам узун йўлакнинг охиридаги ҳовлида яшарди. Чакриб чиқайми, десам, Ғафур ака «Йўқ, тор йўлакчадан юриш саваб бўлади, юрларинг», деб йўл бошлади. Ўшани олди-деқ ўғил берсин бешингизга, Шорасулхон, ҳой Шорасул!» «Хўзир, ҳозир», дея ичкаридан ҳовлиқиб Шорасул Зунуний чиқди ва Ғафур акани кўриб довираб қолди. «Хой, турк ўғлони, мени танимадингми», дея Ғафур ака қўчоқ очди. Икки зот ўпниш, мириқиб кўришдилар. Сўнг тик турганча туркча чуғурлашиб кетдилар. Шейр кетидан шейр, лағна-фа кетидан лағнага уланарди. Нихоят, тоғам гапдан тўхтаб бизни уйга тақдир қилди. Ғафур ака кўнмади. «Мен кўнунинг Мирзаабдуллонинг кетганими, бу бекорчи муллабаччалар кун бўйи вақтининг олди-қани кўнунинг оқ: «Тортган азобларингни роҳатини кўр, қолган умринг шу тор кўчадек узун, узоқ бўлсин, омин», дея фотиха қилди. Дўсти дийдоридан мамун бўлган Ғафур ака йўлда Шорасул акани таърифлаб кетди. «Донишманд, хокисор инсон, катта қалласида катта ақл бор, афсуски, бундай доноларнинг умри беркорга ўтди. Сенлар домлардан фойдаланб қолинглар. Шарқшунослик илмгоҳида ишлаётган қария домларнинг ҳар бири аллома. Улар ганимат!»

**М** АШИНА ТАЛЪАТ УЙИ олдида тўхтади. Талъат уэр сўраб, қозилдан бўлди. Ғафур акага миннотдорчилик билдиракан, «Машинада олиб юришга Шуркулла акага етмайди-да — кун бўйи катаяса қилдирадиган, ҳам тўйдирадиган, ҳам ичирадиган», деди. «Хў, ношукур бандга, қоринг тўйиб, тил чиқардингми, шоймай тур, дадангга чақаман», дея мушт ўқталди Ғафур ака.

Машина мулозилда Ғафур аканинг Қадирова маҳалласиданги уйи олдида тўхтади. Иккимиз машинадан тушиб тор кўчага киргач, мени ўз ҳовлисига бошлади. Унда Холлидхон исми катта қизи бир этак болалари билан яшарди. Ҳовли ҳамма вақт болалар боқчасидек шовқин-сурон, гавжум. Холлидхон ва кўеви бўлими Шоир полвон пштираб қолди. «Қизим, овора бўлма, мен Мирзаабдулло амакингни келганман, ҳозир қизи кетаман, хўш, ахволларинг қалай, қани Шоирдан бошлай қол», деди. Шоир полвон исми жисмига ярашган, нуруғли, соддадил, шина-ванда, меҳнатқаш инсон эди. Кўзи йиллардан бери ўша пайтдаги пағига Марказий Қўнматасининг бирлашган наشريётида олдин юкчи бўлиб ишларди. Ҳоли кўдрат тирикчилик қилар, айб беданага ишқивоқ эди. Ишдан ҳориб-чарчаб келган кезларида беданалар билан овора бўлиб ҳордиқ чиқарарди. Бу Холлидхонга ёқмасди, албатта. Қўнматаси Ғафур ака келди дегунча беданадан гап очилар, Шоир полвон мулазам, хижолат чеккани чеккан эди. Бу сафар ҳам ҳар галидек бедана ҳасрати бошланди. Мен Холлидхонга кўз қисиб бас, десам ҳам бўлмади. Ғафур ака индамай Холлидхон гапларини охиригача эшитди. Қўнматаси қизларини қувватлаб кўебини уялтирар, койр эди, бу гал бошқачароқ йўл тутди. «Қизим, гапинг тутаган бўлса, менинг саволларига жавоб бер: «Хўш Шоир шахмат, шашка уйнашни билмадингми? Йўқ, билмайди. Ҳа, бараналла. Китоб, газета ўқийдингми? Йўқ, ўқимайди. Ҳа, бараналла. Кино, театрға борадингми? Қизингиз, дада, иккимиз бир умр кино-театр кўрмай ўтгалимиз-ку». «Ҳа, бараналла, Ресторанга борадингми, хотинбошиқ қилди-ми?» «Бой, дада, инимлар дегисиз, зўрга кун кўрликми-ку, бунингга бало борма?» дея жавоб қилди Холлидхон. «Энди гапимни эшит», — деди Ғафур ака. — Шоир — пок, ҳалол инсон. Эрта-кеч тер тўқайди, меҳнат қилади. Ҳалол меҳнатига, олоб-ахлоқига, соддадиллигига ишқивоқ бўлиб, сени Шокирга берганман. Узинг ҳам жон деб теккансан. Мен бир нарсадан фахрланаман. Сени ҳам, Шо-

кирни ҳам, мана бу жўжиқларингни ҳам халқуми тоза, пок, оялангга ҳаром-хариш ара-лашманган. Бу учта-мунча оилага насоб этмайди. Мен бирор нарсга билан овутишни керак-ку! Шоир ичкиликни тўқиб қилиб, ресторани-ресторан дэйдйб юрди, хотинбошиқ қилса, нима қилардинг? Ҳасрат-надоматини бас қил, Сабр-қаноатин бўл, шукр қил, бу кўнлар унут бўлар, ҳали болаларингни роҳатини кўрсан, болам». Хотин таънаси, лашномидан эзиллиб, букилиб ўтирган Шоир полвон Ғафур ака гапларини эшитиб, Ғафур кетди. Даст ўрнидан туриб, Қўнматаси, магазинга югурди. Ғафур ака дароғини эшитган дадам ҳовлига кириб келди. Икки қадрон дўст бир-бирларини ялаб-юлақиб кўришди. «Сўнг дадам Ғафур акани уйга бошлади. Бода ерга гоҳ солинди, дастурхон ёзилди, дил суҳбатчи бошланди. Дадам Ғафур аканинг феълини, кайфиятини жуда яхши сезарди. Улар бир-бирларидан сир яширмадилар, оқиқчасига гаплашардилар, вақт келганда ўзаро хушомадўғилик, гоҳида гинахонлиги, аччиқ-чуққ гаплар бўларди. Шундай кезларда эртан-сига бир-бирларидан уэр сўраб, яна олоқ-ча-сига бўлиб кетардилар. Бир пайла эртан сўнг дадам: «Ғафур, кайфиятиг бузувруқ қўринадиган, нечук», дея гап бошлади. Ғафур ака ганин узокдан бошлади: «Ҳожим, мени биласан-ку, бир кунда минг хил турланаман, яхшига яхши, ёмонга ёмон бўламан, яхшиликни кўрсам, қўнглим тоғдек кўтариларди, бад нарсаларга дуч келсам, дийлам вафрон бўлади. Бугунги куним ёмон ўтмади. Ўғилларим бонда роса яхшидик, ресторанида, лағмонхонада бўлдик, новвойхонага ҳам кириб чиқдик, Ажойиб, дили пок, тили пок кўли қадоклар билан гаплашдим. Биласанки, мен қаерга бормай, аввало шундайларни топиб суҳбатлашаман, улар менинг қўнчим, илҳомим, мададкорим. Ўзбекдек кўли очиб, бағри кеги, меҳнатқаш халқ бўлмаска керак, бу дунёда. Халқимнинг ажойиб хислат, фазилатларини кўриб, сезиб, қувонаман, айни пайтда дийлм-да гапшиқ, ўқинч пайдо бўлади. Қўнматаси Ғафур толаман, нечун халқим ўз меҳнатининг роҳатини дурустгина кўрмайди, яхши-яшна-майди. Эски замонда ўзбек ёзда ишлаб, «Эл бўйи гап-таштак, тўйма сўзи, тўйлар, ниёқлар, турли-туман сайилларини кети уяллар, масли, кўнкарилар, улоқлар бўларди. Ҳозир ҳам бор, булар, Лекин, ҳаммаси рамкада, қолдила. Бугун лағмонхона билан новвойхонада бўлиб, ҳам қўнвидин, ҳам қуонидин. Ҳожим айт-чи, илгари нуруғли йигитлар лағмон чўзганми, нон ёниб, бозорда сотганими? Тушунман, тирикчилик тошни ёради, улар тирикчилик деб ўзларини ўтга, чўққа урадилар. Лекин, бунинг роҳати қани? Уйда Холлида ярамга туз сенди, яна Шокирдан нолиди. Шўрлик, бир кунда 5—10 тонна юки елкасида кўтариб, машинага ортар ёки машинадан туширар экан. Шунчалар азоб-қўбат билан топган пулига онла боқолмас, бу қандай бедодлик. Шундай адолатсизликни кўриб юрак-бағрим эзилди, дўстим. Армонларим, ҳасратларим ичмида бўлоқ бўлиб қайнаб ётибди, лекин минг афсуски, булоқнинг кўнматаси қозқ қонилган».

Мен бу гапларни биринчи бор эшитганим учун хангуманг бўлиб қолдим. Ғафур аканинг инсонинг изтиробини кўриб, маънавий юки нақадар оғирлигини англаб, ёқа ушладим. Дадам дўстини юпата бошлаган чоғи богга Шоир полвон, Нейматилла Қорв ака ва маҳалладаги бошқа уюлфатар кириб келди. Ғафур ака ҳаммалари билан қўчоқлашиб кўришди. Уйин-қулни, ҳазил-асқия бошлайб кетди. Бази жамшид аллавақтгача давом этди.

**М**ЕН АЛЛОМА ҲАЭТИНИНГ фақат бир кунда содир бўлган, ўзим кўрган, эшитган воқеаларни ҳикоя қилдим, холос. Ғафур Ғуломнинг бадиий ижодини англаб етиш, таҳлил этиш нақадар мушкул муаммо бўлса, унинг ажойиб ҳаёти, саргузаштларини ўраниш, тушуниш ҳам шу қадар мушкулдир. Мен улуг шоир ижодининг бағоят гўзаллигини мураккаблигини Беҳли ижодига, ҳайратомуз ҳаётини, қилмиш-кечиримларини Машраб ҳаётига тенглаштириш келайди.

**ҒАТҒУЛЛА АБДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

**«У** ЗАС»НИНГ 1992 ЙИЛГИ 14 ва 21 август сонларида Мухаммад Шариф Ҳиндистонийнинг унинг ўз оғиздан ёзиб олганга, ажойиб саргузаштлар билан тўлиб-тошган таржимани ҳоли эълон қилди. У зотни яхши таниган-билганлар, кўрганлар мақолани ҳавас билан ўқидилар.

Домланинг хотирасида у киши Тожикистон Фанлар академиясида ишлагани камтарона баён этилган. Ваҳо-

жасидан икки киши ёнларига кириб, гўё «ҳўмюга» олиб юрарди. Домла, гарчи бу «ҳўмюга» эҳтиёж сезмасалар-да, шоғирларини хижолат қилмаслик учун ортиқча эътироз билдирмасдилар. Андижонлик шоғирлари ҳақида шуни айтиш керакки, бир гуруҳ ёшлар Душанбегача — ҳазратнинг уйларига бориб, бир неча йил сабоқ олишган. Мана, улардан айримлари:

Уғли ҳам ажойиб истеъдоқ соҳиб эди. Дўстлари орасида «Аллома» номини олганди. Афсус, фожиали ўлим у кишини орамиздан бевақт олиб кетди. Устоз Ҳожи Ҳиндистонийнинг Абдилла қори ва Раҳматулло қорига насиҳатлари ёзилган мағриб тасмаси табарук едгорлик сифатида бизда сақланади. Домланинг Марғилон, Қўқон, Наманган шаҳарларидаги кўплаб шоғирлари ҳам

уқриб қолган кароматли ёки тасодифми? Ҳожи Ҳиндистонийнинг Афғонистондаги пири Мулла Фақир(алайҳиррахма)нинг шахси ҳам «сирди». Узингиз мулоҳаза қилинг: Мухаммад Шариф Ҳиндистонда ўқиб юрган қайси бир йили Мулла Фақир тасодифан ўша мадрасага кириб келиб ўш шоғирини топади. Бу учрашуви Мулла Ҳиндистоний ўз хотирасида «Ажойиб воқеа» сифатида эслайди. Чунки у Ҳиндистонийнинг қайси шаҳрига қайси мадрасасида ўқитгани маълум эмас эди. «Мен ҳайрон бўлдимми, мени бу ерда эканлигини бу оғз келгандан билди экан!» деб баёни у. Мулла Фақир мадраса ёнбошидаги мавлоно Муҳийиддин Жайиш деганининг мазориди 40 кун чилла ўтирди. Бор-йўғи бир килоча қовурилган нўхоти бор экан, холос. «Шундан бошқа эод роҳила йўқ эди... Нима едилар, қандай қилдилар, оби таҳорати қандай бўлди —

хеч ким билмади», деб ҳайратланган Мухаммад Шариф хотирасида. Чилладан чиққач, устоз йўл таралди-дига тушади ва шунда шоғирдининг «Сиз билан яна кўришамизми?» деган саволига «Худо хоҳласа, Байтуллохда кўришамиз», деб жавоб беради. Байтуллохга бориш эса шоғирдининг ҳаёлида мулақо йўқ эди. Хайрлашувдан тўрт ой ўтгач, Мухаммад Шарифнинг отаси, юқориди ёзилганидек, Ҳиндистонга келиб ўғлини учратадиган ва ота илтимоси билан биргаличиб муборак Ҳаж сафарига жўнайдилар. Бир кун Байтуллохдаги тавофдан сўнг Қуръон тиловат қилиб ўтирсалар, Мулла Фақир унинг елкасидан туртиб, «Келдингизми?» деб саломлашади. Ҳожи Ҳиндистоний ўз хотирасида айтишча, «Бу зотининг кароматлари зоҳир бўлдики, Ҳиндистонда эканида энди «Байтуллохда кўришамиз» дегани чиндан ҳам кароматли гап экан» (Холбуки, ўз тажрибамдан биламани, Ҳарамии Шарифда юз минглаб ҳожилар орасида бировни излаб топиш асло мумкин бўлмаган иш).

«Яна бир мисол: устоз ва шоғирд икковлар Байтуллохдан чиқиб, пайғамбарини маъруза бердилар. Зинбат қилнига борадилар. Зинбатдан чиқингач, устоз Мулла Фақир шоғирдини бошқа бир хонага ўтказиб чой дамлаб беради. Ажойиб хуштама икк чой эди. Мулла Ҳиндистоний «Шу тоғдан бир дамламан илтимос қилди оламан», деб дийлди ўтказилди. Шу тоғда устоз халтасидан бир юмалоқ чой олиб шоғирдинга беради. «Нима бу? Та-содифми, кароматми?» ҳайрон бўлиб эслайди мулла Ҳиндистоний.

**Ҳ**ОЖИ ҲИНДИСТОНИЙ ХОТИРАЛАРИ советлар замонасида муллаларга зугум ўтказилганидан шикоят тарзида баён этилма-

## ҲОЖИ ҲИНДИСТОНИЙНИ СОҒИНИБ

ланин. Шарқшунослик институтининг қўбемалар хази-насидаги хизматлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир. У киши араб, форс, урду, пушту тилларини муҷаммал билардилар.

Мавлоно Абдиллатиф ҳожи Қосим ҳожи Уғли хо-зир Мовароуннаҳр мусул-монлари диния назоратининг Андижон вилоятини бош имом-хатиби. Еш бўлса-да, диний ислом илмини пухта эгалаган, етуқ қори, ажойиб нотик, Ҳажматлардаги вазаларида барчани яхши-лиқча, ҳалолликча, тоат-ибодатли, шайфатли бўлиш-га чақиради. Мавлоно Абди-вали ҳожи Андижон шаҳри-даги машҳур жомеъ масжиди-нинг бош имомидир. У киши ҳам етуқ фиқҳ олимга ва қорийи мурадтаб ҳамда ажойиб воъиздир. Домла-нинг яна бир шоғирди Мухаммад Содиқ ҳожи Қосим ҳожи ўғли бир муддат Мовароуннаҳр мусулмонлари диния назорати маҳамасида бў-лиши бошқарди. Ҳозир Ан-дижондаги бош масжид(Де-вонбой масжиди)да имом-хати-в ваъзидига ишлайоқда. Мухаммаднинг қори Мувиб қори ўғли эса етуқ ҳожи ва Қуръон бўлиш билан бирга, Қуръонни Карим тафсири ҳамда таъвиз (кирот) ил-мида беаъир мутахаассис олим ҳисобланади. Марҳум Раҳматулло қори Абдирасул

халқимизга сийдиқдилдан хизмат қилмоқдалар. Шо-ғирларининг дярли барча-си кейинги 3 йил ичмида му-борак Ҳаж сафарига бориб, ҳожилик бахтига мушарраф бўлдилар.

Ҳожи Ҳиндистонийнинг ҳафтаномада босилган сар-гузашт-хотираларида шун-дай нуқталар борки, улар бошқалар, хусусан, камолот сарти иттиладган ёшлар учун гоёт ибратлардир. Бирок до-мла ўзига хос камтарлик бил-ан бу воқеалар тафсилоти-ни айтмаганлар. Шу боис мен тарбиявий аҳамияти ага бўлгани сабабли уларнинг баъзиларига тўхталиб ў-моқчиман.

Мен сўнги 15 йилни умри давомида домла билан ҳар йили кўришиб, суҳбат-ларидан баҳраманд бўлган-ман. Ҳожи домла йилда бир марта Андижонга ташири-марта буюрардилар. Энг эътироқ-ли бўлардилар. Унинг эътироқ-ли бўлардилар. Унинг эътироқ-ли бўлардилар. Унинг эътироқ-ли бўлардилар.

Ҳожи домла қорачадан келган, ўрта бўйли, қотма кишини эдилар. 80 ёшига ош-ганларида ҳам шадман қадан ташлардилар. Шунга қарамай, камолти ҳурмат-эҳтиром

**МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ**

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32.  
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56 Маҳмуд САЊДИИ  
Набатчи муҳаррир —  
Босмахонага топишир вақти — 21.00. Тошириқди — 22.00.

Редакцияга келган кўнмалар таҳлил этилмайдиган ва муаллифларига қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳрирнинг нуқтани назардан фарқлангани мумкин.

**Бот муҳаррир Аҳмадҷон МЕЛИБОВ**  
Таҳрир хайлати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудир), Одил ЕЎҚУБОВ, Абурали ЖўРАЕВ (сағна т бўлими мудир), Насиб ИБРОҲИМОВА, Камол МАТЕЎКУБОВ (навр ва назм бўлими мудир), Маҳмуд САЊДИИ (адабиётшунослик ва таҳлил бўлими мудир), Озод ШАРАФИДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир урибосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (насыул котиб)

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Рустам АБДУЛЛАЕВ, Аҳмадали АСҚАРОВ, Тошпулат А